

Вилоят ҳокими Термиз туманида бўлди



Вилоят ҳокими Термиз туманида бўлиб, “Отчопар” мажмуаси ҳудудида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ва “Янги Ўзбекистон” боғида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Масъуллар лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

Вилоят раҳбари шу ернинг ўзида қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар билан учрашув ўтказиб, уларнинг мавжуд муаммоларини тинглади. Тадбиркорлар томонидан кўтарилган масалаларни батафсил ўрганиб, ҳал этиш бўйича масъулларга вазифалар юкланди.